

Гиёвандлик Воситалари, Алкогол Ёки Спиртли Ичимликларни Истеъмол Қилиш – Жиноятга Бошланғич Қадам

Абдуразаков Абдувосит Абдулхаевич¹

Аннотация: Мақолада гиёхванд воситалари, алкоголь ёки спиртли ичимликларни истеъмол қилишнинг салбий оқибати сифатида унинг жиноят-хукукий жиҳатлари кўриб чиқилади. Илмий-амалий ёндашув асосида ёшлар ва вояга етмаганларнинг ушбу тоифадаги предметларни истеъмол қилишига оид жиддий ижтимоий жиҳатлар (омиллар) таҳлил қилинади. Ушбу масалалар бўйича амалиётчилар ва олимларнинг йир ва мулоҳазалари таҳлили асосида гиёхванд воситалар, алкоголь ва спиртли ичимликларни истеъмол қилишни олдин олишнинг айрим муаммолари ва уларнинг илмий ва амалий ечимлари ҳақида фикр-мулоҳазалар берилади.

Калит сўзлар: гиёхванд восита, ёшлар, вояга етмаганлар, гиёхвандлик, алкоголизм, спиртли ичимлик, мойиллик.

Бугунги кунда гиёхвандлик муаммоси мамлакатимиз олимлари томонидан олиб борилаётган кўплаб илмий тадқиқотларда ўрин эгаллайди. Хусусан, ёшлар ўртасида уюшган жиноятчилик (И. Исмаилов, Ж.А. Неъматов), алкоголизм, фоҳишалик ва гиёхвандлик билан боғлиқ жиноятлар (М.Қ. Ўразалиев, М.К. Утениязов), ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар (Ш.А. Ганиев) мавзусидаги илмий ишларда бу муаммонинг айрим жиҳатлари ёритилган.

Маълумки, ёшлар ўзининг жиноят содир этишга мойиллиги билан ёшларнинг бошқа катламидан ажралиб туради. Умуман олганда, ҳар қандай жинойи ҳаракат, аввало, одамнинг интеллектуал, эмоционал ва ахлоқий фазилатлари ва хислатларини акс эттиришини инobatга олганда[1], илмий тадқиқотларда ичкиликбозлик ва гиёхвандликка мойил ёшлар ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлиши асосланган.[2]

Айрим тадқиқотларда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларга уларнинг спиртли ичимлик ва гиёхвандлик воситаларини истеъмол қилишга ружу қўйиши ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши аниқланган[3].

Жумладан, мазкур масала юзасидан Э.П.Абовян спиртли ичимлик ва гиёхвандлик воситаларини истеъмол қилиш таъсирида жиноят содир этувчи шахслар томонидан содир этилган жиноятларнинг сабаб-шароитларини ўрганиш учун ушбу шахсларнинг белгилари ва жинойи ҳаракатини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш лозим, дейди[4].

Ўзбекистонда ёшлар ўртасида гиёхвандлик, алкоголизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни илмий ва амалий жиҳатдан ўрганиш, хусусан ушбу салбий иллатларга имкон бераётган омилларни аниқлаштиришда М.Қ. Ўразалиев томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига таяниш мумкин. Жумладан, ушбу олимнинг фикрига кўра гиёхвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг сабабларига қуйидагилар киради:

Ўзбекистоннинг наркотижорат учун қулай географик ҳудудда жойлашганлиги,

¹ Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари-тергов бошқармаси бошлиғи, полковник



Марказий Осиё ва МДХдаги айрим давлатлар билан чегараларнинг нисбатан шаффофлиги ҳамда визасиз тартиб жорий этилганлиги,

гиёҳвандларни даволаш ва гиёҳвандликнинг олдини олиш юзасидан яратилган тизимнинг етарлича шаклланмаганлиги,

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомаласига қарши кураш соҳасидаги ҳаракатлари махсус халқаро ташкилотлар билан етарли даражада мувофиқлаштирилмаганлиги,

гиёҳвандлик воситалари ҳамда уларнинг салбий асоратлари бўйича аҳоли, хусусан, ёшлар учун мўлжалланган махсус таълим дастурларининг мавжуд эмаслиги,

таралабедод, пассив ҳаёт кечиришга интилиш,

жамоатчилик назоратининг етарли даражада эмаслиги[5].

Криминологлар сурункали алкоғолизм ва гиёҳвандликни ўзига хос аномал ҳолатлардан бири сифатида баҳолаб, кўп ҳолларда ҳуқуқбузарлик содир этилишига олиб келишини ҳамда бундай шахслар жиноят содир этишга мойил эканини таъкидлайдилар[6].

Бу тоифа шахслар ижтимоий хавфлилигининг яна бир белгиси – уларнинг оммавий тартибсизликларни келтириб чиқариш ва оломонни бошқаришга мойил эканлигида кўринади[7].

Бу борада тадқиқотлар олиб борган Қ.П. Пайзуллаев зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг сабаблар ичида жумладан спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик моддалари ва психотроп воситалар таъсирида жиноят содир этилиши (зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг ярмига яқини ушбу воситалар таъсирида содир этилади)ни ҳам санаб ўтади[8].

Жиноят ишлари таҳлилига таяниб, ўзгалар мулкани талон-торож қилиш, жиноятга дахлдорлик билан боғлиқ жиноятларни спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик моддалари ва психотроп воситалар таъсирида бўлган шахслар ўртасида кенг тарқалган жиноятлар сирасига киритиш мумкин. Хусусан, Ш.Ғофуровнинг тадқиқотида натижаларига кўра, ўрганилган тоифадаги ёшлар томонидан содир этилган жиноят ишларининг 44,2 % ўғирлик, 15,3 % фирибгарлик, 6,7 % гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар, 5,2 % қасддан одам ўлдириш, 4,9 % оғир тан жароҳати етказиш, 3,1 % талончилик, 1,8 % безорилик, қолган қисмини бошқа жиноятлар ташкил этади[9].

Ўрганилган жиноят ишлари таҳлилининг далолат беришича, уюлмаган ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ичида зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг улуши нисбатан юқори ҳисобланади.

Буни қуйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин: фуқаро Н. (18 ёшда) вояга етмаганлар М. ва И. (17 ёшда) билан бирга қўшмачилик билан шуғулланиб келган С.нинг хонадонига келиб, пул эвазига у ерда фоҳиша Ж. билан жинсий алоқада бўлишади. Уларда мижозларга катта пул эвазига фоҳишаларни кўшиб, қўшмачилик билан шуғулланиб келаётган хонадон эгасининг бойлиги кўп бўлса керак, деган фикр пайдо бўлади ва қўшмачи аёлни ўлдириб, унинг мулкларини босқинчилик йўли билан талон-торож қилиш ҳақида ўзаро жинсий тил бириктиришади.

Орадан 3–4 кун ўтиб, гуруҳ аъзоларидан икки нафари шаҳар ҳудудида жойлашган деҳқон бозоридан бир дона қўлбола усулда тайёрланган ханжар сотиб олади. Ўша куни соат 23⁰⁰ларда фуқаро Н. ва вояга етмаган М. қўшмачи аёл С.нинг хонадонига келиб, фоҳишалар билан эрталабгача дам олиш тўғрисида келишади. С.ни хонадоннинг меҳмонхонасида ухлаб қолишини пойлаб, ожиз аҳволда қолганлигидан фойдаланиб, тонгги соат 04⁰⁰ларда ўзлари билан олиб келган ханжар ва хонадонда бўлган хўжалик пичоғи ёрдамида, босқинчилик йўли билан С.ни мол-мулкани талон-торож қилишни осонлаштириш мақсадида, уни бош, бадан, қўл ва оёқ қисмларига ўта шафқатсизлик билан бир неча мартаба кетма-кет уриб, жароҳатлар етказиб, қасддан ўлдирадидлар. Шундан сўнг хонадондан олинган хўжалик пичоғи ёрдамида ётоқхонада бўлган ва шовқинни эшитиб чиқмоқчи бўлган фоҳишалик билан шуғулланиб келган Ж.нинг



хам бош, бадан, қўл ва оёқ қисмларига пичоқ ёрдамида ўта шафқатсизлик билан бир неча маротаба кетма-кет уриб, жароҳатлар етказиб, қасддан ўлдирадилар. Сўнгра уларга тегишли бўлган нархи 170.000 сўмлик бир дона «Nokia-5310» русумли уяли алоқа воситасини, нархи 70.000 сўмлик бир жуфт «самовар» номли аёллар тилла сирғаси, икки дона нархи 500.000 сўмлик аёллар тилла узугини, нархи 450.000 сўмлик бир дона тилло занжир (трос), нархи 550.000 сўмлик бир дона аёллар тилло билагузугини – жами 1.740.000 сўмлик мол-мулкни босқинчилик йўли билан қўлга киритиб, воқеа жойидан яширинадилар.

Ўрганишлар ва таҳлиллар асосида ёшлар ўртасида жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар, бир сўз билан айтганда уларнинг содир этилишига имкон бераётган омиллар ичидаги энг асосилари туркумига вояга етмаганларнинг алкоғолли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилишини киритиш мумкин.

Демак, ичкиликбозлик ва алкоғолизм жиноятчилик билан узвий боғлиқ бўлиб, унга етаклайдиган, «таъминловчи» муҳит ҳисобланади[10]. Афсуски, жамиятда аксарият ҳолларда вояга етмаганлар ва ёшларнинг алкоғолли ичимликларни истеъмол қилиши катталар томонидан қораланмайди, уларнинг аксарияти алкоғолли ичимликларни истеъмол қилишга ўз оила аъзолари, яқинлари ва дўстлари даврасида жалб этилади[11].

Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, мамлакатимизда 2023 йилда соғлиқни сақлаш муассасаларининг ҳисобида турган жами 55.176 нафар шахсларнинг 6.397 нафари (11,6 %)ни ёшлар ташкил этган, бу даврда республикада ёшлар томонидан содир этилган жами 14.670 та жиноятнинг 344 таси (2,3 %) маст ҳолда содир этилган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Эндиликда ички ишлар, прокуратура, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла ҳамда бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлар жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик учун омил бўлаётган ишсизлик, гиёҳвандлик, қаровсизлик, оилавий низолар ва шу каби бошқа иллатларнинг вақтида олдини олиш чораларини кўриши зарур. Шунингдек, умумийликдан қочиш, бунинг учун ягона мақсад сари интилиб, ҳамкорликда фаолият олиб бориш, ҳар бир муаммога аниқ режа асосида ёндашиши лозим»[12] мазмунидаги ғоявий қарашлари уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича идоралараро дастурларни манзиллилик, соҳавий ихтисослашув, ҳудудий ва бошқа ўзига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг тизимли йўлга қўйилишини таъминлади.

Бу масалада ижобий хорижий тажриба фойдадан холи бўлмайди. Мисол учун, АҚШда яхши натижа берган махсус дастурлардан бири ёшлар ўртасида гиёҳвандлик профилактикасига қаратилган. Дастур ёрдамида сўнгги 15 йилда гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчиларнинг кўрсаткичи 50 %га камайишига эришилган. Давлатда гиёҳвандликка қарши курашувчи 3,5 минг жамоатчилик ташкилоти фаолият юритади[13].

Ушбу давлатда мазкур соҳада самарали фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар улуши ҳам юқоригини кўриш мумкин. Жумладан, 1991 йилда ташкил этилган «Халқаро ҳаётий мослаштириш (International life skills)» ташкилоти (унга дунёнинг 27 та, жумладан, Австралия, Канада, Хитой, Германия, Франция, Италия давлатлари) аъзо бўлиб, мазкур дастур ёшларнинг ҳаётий билимларини шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган[14].

Шу ўринда, социологик сўров натижаларининг кўрсатишича, бугунги кунда, 7–11 синф ўқувчиларининг 97 % гиёҳвандлик воситаларини, 87 % психотроп моддаларни, 85 % алкоғол маҳсулотларни, 86 % тамаки маҳсулотларини ҳаёт ва соғлиқ учун зарарли, деб ҳисоблашади[15].

Гиёҳвандликнинг олдини олиш борасидаги хорижий мамлакатлар тажрибасини ва миллий амалиётни ўрганиш гиёҳвандлик муаммосини баратараф этиш бўйича қуйидаги ташкилий-бошқарув тусидаги тавсиялар илгари сурилади:



- гиёхвандликнинг олдини олиш бўйича умумдавлат ва минтақавий дастурларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ижрочиларини белгилаш;
- гиёхвандликнинг олдини олиш ва даволаш, шунингдек уларнинг реабилитацияси билан шуғулланувчи худудий ўқув услубий марказларни ташкил этиш;
- ИИВ идолари гиёхвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши кураш фаолияти билан шуғулланувчи бўлинмалари учун кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш;
- гиёхвандликнинг олдини олиш борасида махсус давлат, жамоат ва хусусий фондларни ташкил этиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдурасулова Қ.Р., Ниёзова С.С. Жиноятчилик ва жиноятчи шахси муаммолари: Ўқув қўлланма. – Т., 2006. – Б.51.
2. Зарипов З.С., Мухторов Ж.С. Маиший турмушда содир этиладиган жиноятларнинг криминологик тавсифи ва профилактикаси // Криминология. Махсус қисм: Дарслик / Муаллифлар жамоаси. — Т., 2015. — Б. 303.
3. Алауханов Е., Зарипов З., Тукеев А. Преступность несовершеннолетних и её профилактика / Монография. Алматы, 2009. – С. 31.
4. Абовян Э.П. Предупреждение преступлений, совершаемых в состоянии алкогольного опьянения в семейно-бытовой сфере: Автореф... дис. кан. юрид наук. – Рязань, 2011. – С. 16.
5. Ўразалиев М.Қ. Алкоголизм, фоҳишалик ва гиёхвандликнинг жиноятчилик билан алоқадорлиги, уларнинг криминологик хусусиятлари ва олдини олишни такомиллаштириш: Докторлик диссертацияси автореферати. — Т., 2016. — Б. 16–18, 23–24.
6. Криминология: Дарслик / З.С. Зарипов, Ю.С. Пулатов, Г.А. Аванесов ва бошқ.; проф. З.С. Зарипов таҳрири остида. – Т., 2006. – Б. 78.
7. Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш: Монография. – Т., 2019. – Б. 51.
8. Пайзуллаев Қ.П. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар: Ўқув қўлланма. — Т., 2008. — Б. 69-97.
9. Гофуров Ш.Р. Уюшмаган ёшлар уртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида): : юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси - Т., 2019. - Б. 111.
10. Ўразалиев М.К. Алкоголизмнинг жиноятчилик билан алоқадорлиги, криминологик тавсифи ва профилактикаси // Криминология. Махсус қисм: Дарслик / Муаллифлар жамоаси. — Т., 2015. — Б. 652.
11. Ўразалиев М.Қ. Алкоголизм, фоҳишалик ва гиёхвандликнинг жиноятчилик билан алоқадорлиги, уларнинг криминологик хусусиятлари ва олдини олишни такомиллаштириш: Докторлик диссертацияси автореферати. — Т., 2016. — Б. 23.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 20 ноябрь куни ўтказилган жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигига бағишланган йиғилишда сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 21 нояб.
13. Кицул И.С., Перфильева Н.В. Отечественный зарубежный опыт профилактики наркомании среди населения // Сибирский медицинский журнал. – 2005. – № 5. – С. 6.
14. Менделевич В.В., Муганцева Л.В. Распространенность наркомании среди подростков в Российской Федерации // Наркология. – 2003. – № 6. – С. 2–6.
15. Профилактика безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних. – Майкон, 2017. – С. 47.

